

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти
«Давлат кадастрлари» кафедраси

«Ер мониторинги» фани

31.01.2020

Ўзбекистон Республикаси ер фондининг миқдор ва сифат ҳолати

Тошкент - 2018


Мавзу: Ўзбекистон Республикаси ер фондининг миқдор ва сифат ҳолати

Режа:

- 1. Ер фондининг сифати ва ўзгаришлар тахлили.*
- 2. Суғориладиган ерларнинг сифат ҳолати.*
- 3. Суғориладиган тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолати, уни яхшилаш йўллари.*

Адабиётлар:

1. Рахмонов Қ.Р. Ер мониторинги. Ўқув қуланма. ТИМИ, Тошкент, 2008.
2. Рахмонов Қ.Р., Бобожонов А.Р, Гофиров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Тошкент ТИМИ, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», Т., «Адолат», 1998
4. “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот”. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2015 йил.



Мавжуд муаммолар

Ерларнинг ҳар хил даражада деградацияга учраши ва мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви

Тупроқ унумдорлигининг пасайиши

Ерлардан фойдаланишда экологик талабларга риоя қилинмаслик

Ердан фойдаланишда юридик ҳуқуқларнинг тўлиқ мавжуд эмаслиги

Ҳудудларда ер тузиш, ер кадастри ва мониторинг ишларининг тўлиқ жорий этилмаганлиги



Ерларнинг экологик ҳолатлари тахлили

Табиий ландшафтларнинг бузилиши



Яйловлар деградацияси (25-30%)



Ерларнинг шўрланиши (45-50%)



Ерларнинг ишлаб чиқаришдан чиқиб қолиши ва бошқ.



Ер фондининг сифати ва ўзгаришлар тахлили

Суғориладиган мелиоратив ҳолати

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг самародлигини ошириш масаласи, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш ўта муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг қарийб **9,6 фоизининг** мелиоратив ҳолати ёмон бўлиб, бу аввало, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги ва ер ости сувларининг кўтарилиши билан боғлиқдир.

Тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мутахассислари томонидан ўтказилган мониторинг натижасига кўра республика бўйича жами **374,8 минг** гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмон эканлиги аниқланган.

Бугунги кунда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва унинг самарадорлигини юксалтиришнинг муҳим резерви ва ҳал қилувчи омилининг энг асосийси қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини кўтаришнинг зарур шарти ва гарови бўлиб хизмат қилади. Мазкур муаммони ҳал қилишда Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган 2013-2017 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқдир.

Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлиги пасайишига олиб келадиган салбий жараёнлар:

- ✓ шўрланиш;
- ✓ эрозияга учраши;
- ✓ ботқоқланиши;
- ✓ гумус ва озуқа моддалари миқдорининг камайиши;
- ✓ ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламининг зичлашиши;
- ✓ оғир металллар ҳамда хлорорганик пестицидларнинг қолдиқлари билан ифлосланиши.

Бу салбий жараёнларни асосийлари регионал хусусиятларга эга. Яъни, сизот сувларининг табиий оқими чегараланган худудларда иккиламчи шўрланиш жараёнлари асосий салбий таъсир этувчи омил бўлса, нишаблиги катта ерларда сув ва суғориш эрозияси жараёнлари тупроқ унумдорлигига кучли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифат ҳолати

Турли даражада шўрланган суғориладиган ерлар - 2,2 млн.гектари (51,2%)

шу жумладан

- ✓ ўртача шўрланган 664 минг гектар (16%)
- ✓ Кучли шўрланган 163 минг гектар (4%).


Тупроқларнинг унумдорлигига шамол ва сув эрозиялари катта таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда 2 млн. гектардан ортиқроқ ерлар дефляция хавфи бор ерлар бўлиб, шундан 0,7 млн. гектари кучли дефляцияга учраган, 0,5 млн. гектарида ирригация эрозияси юз бериш хавфи бор.

Бундай ерлар тоғ олдида жойлашган вилоятларда кўплаб учрайди.

**СУҒОРИЛАДИГАН МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ЁМОНЛАШГАН ЕР МАЙДОНЛАРИНИНГ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ**

Т/ р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Жами суғорилад иган ерлар	Шу жумладан, мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган ерлар жами	суғориладиган ерларга нисбатан фоиз ҳисобида
1	Қорақалпоғистон Республикаси	515,2	134,4	26,1
2	Андижон	273,6	13,3	4,9
3	Бухоро	275,1	15,4	5,6
4	Жиззах	300,8	37,3	12,4
5	Қашқадарё	515,7	38,5	7,5
6	Навоий	123,4	10,2	8,3
7	Наманган	282,6	15,1	5,3
8	Самарқанд	379,2	19,7	5,2
9	Сурхандарё	325,8	19,3	5,9
10	Сирдарё	286,9	10,1	3,5
11	Тошкент	396,9	13,6	3,4
12	Фарғона	366,2	22,5	6,1
13	Хоразм	266,2	25,4	9,5
14	Тошкент ш.	4,9		
	Жами:	4312,3	374,8	8,7



Суғориладиган мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши

Мелиоратив ҳолати ёмонлашган суғориладиган ерларнинг тавсифи:

- ер ости сизот сувлари кўтарилиши натижасида мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар;
- шўрланиш даражаси юқори ерлар, иккиламчи шўрланган ерлар;
- ўрта тошлоқ ва гипс қатлами мавжуд ерлар;
- сув таъминоти етишмайдиган ва суғориш иншоатлари ёмон ҳолатга келган ерлар;
- қишлоқ хўжалик экинлари экилмаслик оқибатида яроқсиз ҳолатга тушган ерлар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мавжуд мелиоратив ҳолати ёмонлашган суғориладиган ерларни йўқлама (инвентаризация)дан ўтказиш ишларининг таҳлили

Т/р	Вилоят (ҳудуд)лар номи	Ҳолати ёмонлашган ерлар	Шу жумладан					Фойдаланишнинг аҳволи	
			Ер ости сизот сувлари кутарилиши натижасида мелоратив ҳолати ёмонлашган ерлар	Шўрланиш даражаси юқори ерлар, иккиламчи шўрланган ерлар	Ўрта тошлок ва гипс қатлами мавжуд ерлар	Сув таъминоти етишмайдиган ва суғориш иншоатлари ёмон ҳолатга келган ерлар	Қишлоқ хўжалик экинлари экилмаслик оқибатида яроқсиз ҳолатга тушган ерлар	Қишлоқ хўжалик экинлари экилиб келаётган ерлар	Суринкали равишда 2000 йилдан буён фойдаланилмаётган ерлар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	134871	23032	48265		54990	8584	26904	107967
2	Андижон	18572	11854	2020	1131	3567		18559	13
3	Бухоро	19927	4417	3840	4244	7426		18760	1167
4	Жиззах	37446	14851	4200	41	18354		32250	5196
5	Қашқадарё	38706	6818	8138	234	23516			38706
6	Навоий	10494	1596	872	1916	5725	385	5485	5009
7	Наманган	16804	2550	5016	2241	6967	30	13903	2901
8	Самарқанд	20593	6086	2579	1795	10133		17459	3134
9	Сурхондарё	19594	7812	1990	1289	8138	365	11659	7935
10	Сирдарё	16703	1671	9765		5267		16249	454
11	Тошкент	14334	4130	1142	1106	7934	22	11497	2837
12	Фарғона	38525	8207	16317	956	12891	154	37659	866
13	Хоразм	27143	8551	9459	188	8307	638	22124	5019
Жами:		413712	101575	113603	15141	173215	10178	232508	181204

Ер фондининг сифат тавсифлари

Республикамыз қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали ва оқилона фойдаланиш масалалари ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммо энг муҳим табиий ресурслардан бири бўлган тупроқнинг экологик-мелиоратив ҳолати, унинг унумдорлик даражаси билан узвий равишда боғлиқдир.


Ҳозирги кунда республикамыз суғориладиган ерларининг 1029,0 минг гектари ёки 28,2 фоизининг бонитет бали 60 дан юқори бўлиб, бу ерлар яхши ва энг яхши ерлар қаторига киради. Бу ерларда етиштириладиган ғўзанинг норматив ҳосилдорлиги 24–40 ц/га, буғдойнинг норматив ҳосилдорлиги 36–60 ц/га бўлиб, улар унумдорлигини сақлаш ва имкон даражасида ошириш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тупроқларининг сифат баҳоси

01.01.2017й. ҳисоботи бўйича.

Т.р	Республика ва вилоятлар	Кадастр гуруҳлари										Жамп, га.	Ўртача балл 2016й.
		ёмон ерлар		ўртачадан паст		ўртача ерлар		яхши ерлар		энг яхши ерлар			
		Кадастр класслари											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X		
		Бонитет балли											
		0-10	11-20.	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100		
1	Қорақалпоқистон Республикаси.		181	25506	224917	142079	39126	11860	1396			445065	41,3
2	Андижон			844	22346	51597	52837	62741	36573	5857	67	232862	57,5
3	Бухоро		263	15374	48791	53826	51309	46752	12714	81		229110	51
4	Жиззах			2132	22885	144602	60894	29045	10170	1347		271075	51
5	Қашқадарё			354	40743	207262	111117	67181	26402	7060		460118	52,5
6	Наманган			4597	41141	48808	39359	46533	33581	19195	1729	234943	60
7	Навоний		59	5320	20387	20619	25388	22622	10603	1437		106435	53,2
8	Самарқанд			19	10543	59999	98800	84987	37801	15264	171	307583	59,3
9	Сурхондарё			3592	33964	75733	79767	53376	18773	5886		271091	56
10	Сирдарё			489	26537	105386	69828	58603	6542	9		267394	53
11	Тошкент		23	2471	15115	59433	96186	103023	40033	9623	2	325909	59
12	Фарғона			5557	44499	79437	58661	74163	29300	5268	49	296934	56
13	Хоразм			2837	36095	45591	69981	57666	8832	47		221049	54
Жамп			526	69093	587963	1094372	853253	718552	272720	71073	2018	3669568	55

Ерларнинг сифат даражаси тахлили



Юкоридаги ҳолатлар, Республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда олиб борилаётган ишларда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бунинг натижасида ҳолати ёмонлашган суғориладиган ерларда фаолият юритаётган фермер хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик экинлари ҳосил олишда бир қатор жиддий қийинчиликларни туғдирмоқда.



Қишлоқ хўжалик ерларининг сифатини ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тизими:

- ❖ ер ости сувлари балансини бузилиши ва сизот сувлари мувозанатининг ер юзасига кескин кўтарилишини олдини олиш учун биринчи навбатда суғориш режимларига қатъий амал қилиш;
- ❖ барча тоифа суғориш тармоқларини техник қайта жиҳозлаш ва сифатли таъмирлаш орқали суғориш тизимларидан ерга сингиб кетиши (40% га яқин) сувлардан унумли фойдаланиш;
- ❖ республика вилоятлари бўйича гидромодул районлаштириш схемасида белгиланган суғориладиган меъёрларига қатъий амал қилиш; суғориладиган ҳудудларнинг географик жойлашиш ўрни, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитлари, экинлар етиштириш технологияси, ўсимликлар тури ва уларни сувга бўлган меъёрий талабларидан келиб чиққан ҳолда, суғориш нормалари, сони ва муддатларини аниқ белгилаш;
- ❖ суғорма деҳқончилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг асосий мезони эканлигини назарда тутган ҳолда, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрларига риоя қилиш.

Мелиоратив тадбирлар ичида тупроқ шўрини ювиш ўта муҳим тадбирлардан бири бўлиб қолмоқда, уни барча гидромелиорация тизимлари ишчи ҳолатига келтирилган, ер ости оқимлари тўла таъминланган, сизот сувларининг сатҳи максимал чуқурликда жойлашган, тупроқ ҳарорати ҳали пасаймаган муддатларда куз-баҳор фаслларида сифатли қилиб, яхши текисланган майдонларда тупроқнинг шўрланганлик даражаси (кучсиз, ўртача, оғир) ва шўрланиши (сульфатли, хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли ва хлоридли), механик таркиби (енгил, ўрта, оғир) ва сув ўтказувчанлик қобилиятини (кам, ўртача, оғир) ҳисобга олган ҳолда ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.



Суғориладиган тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолати, уни яхшилаш

Республикамиз суғориладиган ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастурларининг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигида бир қатор ютуқларга эришилди, суғориладиган тупроқларнинг унумдорлик даражаси барқарорлашиб, уларнинг унумдорлиги сезиларли даражада ортиб бормоқда. Лекин, Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек “Қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш билан боғлиқ, ҳали-ҳамон ишга солинмаган катта имкониятлар мавжуд”.

Бу имкониятлар биринчи навбатда суғориладиган тупроқларда кечаётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилиши лозим.

Бундай салбий жараёнларни бартараф этиш учун:

1. Республика тупроқларининг қайси тупроқ-иқлимий минтақада жойлашганлигини, хилма-хиллигини, уларнинг ривожланиш шароитларини, генетик хусусиятларини, таркибий тузилишини ҳамда агрономик хосса ва хусусиятларини эътиборга олиб аромелиоратив, агротехник ва агрокимёвий тадбирларни табақалаштириб қўллаш зарур.

Қишлоқ хўжалик экинлари албатта, ҳудудларнинг табиий-географик ўрни, сув билан таъминланганлик даражаси, тупроқларнинг сифатига қараб табақалаштириб жойланиши керак. Суғориш меъёрлари, муддатлари ва даврлари ҳар бир тупроқ-иқлим минтақасида, қатъий равишда тупроқларнинг ҳосса ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.



2. Тупроқларни органик модда-гумусга бойитиш зарур. Ҳар йили қишлоқ хўжалик экинлари томонидан тупроқдан олиб чиқиладиган азот, фосфор ва айниқса калий моддаларининг ўрнини қоплаш, қишлоқ хўжалик экинларини озиқа моддалари билан мақбул нисбатларда таъминлаш масаласи энг муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда суғориладиган тупроқлар кўп ҳолларда азот билан ўрта, фосфор билан кам ва калий билан жуда кам таъминланганлиги натижасида уларнинг экинлар учун мақбул нисбатлари бузилганлигини эътиборга олиб, фосфорли, айниқса калийли ўғитларни талаб даражасида қўллаш зарур. Калийли ва фосфорли ўғитлар етишмаган жойларда асосий эътибор чорвачилик ва паррандачилик, қишлоқ хўжалик, саноат ва маиший чиқиндилардан, табиий агрорудалардан органик ва органо-минерал ўғитлар, компостлар тайёрлашга ҳамда уларни қўллашга қаратилиши керак. Шу билан бирга минерал ўғитлар қўллашни агрохимёвий картограммалар асосида, тупроқ шароитларини ва ўсимликлар талабини эътиборга олган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.



3. Самарали алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимларини жорий этиш зарур. Қишлоқ хўжалик экинларини тўғри жойлаштириш тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда қўлланилаётган агротехник ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишнинг асосидир.

Алмашлаб, навбатлаб экишни қўллаш натижасида тупроқ органик моддага – гумусга бойийди, унинг барча агрономик хусусиятлари яхшиланади ҳамда бир вақтнинг ўзида тупроқ сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилинади. Алмашлаб экиш ва экинларни жойлаштириш тизимларига беда ва оралик экинларни киритиш чорвачиликнинг ем-хашак базасини ривожлантиради, натижада ҳозирги кунда танқис бўлган қимматли органик ўғит – гўнг тайёрлашни кенгайтириш имкониятлари туғилади.



**Эътиборларингиз
учун раҳмат !**

